

Педагогик изланишларда касбий компетенция ўқитувчининг ижтимоий кўникмалари доирасида қаралиб, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда:

- фаолиятни режалаштириш, ташкил этиш, унга ижодий ёндашиш;
- ўзини ўзи намоён қилиш, вазиятни таҳлил қила олиш;
- педагогик жараён иштирокчилари билан ижтимоий мулоқотда бўлиш; ўз устида тинимсиз ишлаш;
- вазиятни баҳолаш ва муаммоларни ечиш, бошқарув кўникмасига эга бўлиш ва бошқалар.

Шундай қилиб, замонавий педагог-психологнинг компетенцияси – ўз мутахассислиги ва ихтисослиги доирасида билим, кўникма, малакага эга бўлиши билан белгиланади ва шахсий кадриятлари, сифатлари,

Адабиётлар

1. Баратов Ш.Р., Фарапонова Э.А. Учителям начальных классов о развитии положительного отношения школьников к труду. В сб. Психологические аспекты совершенствования подготовки учительских кадров в педвузах и университетах в условиях непрерывного образования. –Ташкент: 1991.- С.169-170.
2. Хуторский А. В. Составляющая педагогической компетентности. –Москва: Сентябрь, 2010.- С.56.
- 3.Токарева В.А. Психология нравственного развития личности. //автореф. дисс. ... докт. психол. наук. – М.: 1991. –С.43.
4. Маркова А.К. Психология труда учителя. – М.: 1993. –С. 192.
5. Кузьмина Н.В. Способность, одаренность, талант учителя. -Л.: 2005. –С. 32.

РЕЗЮМЕ. Бу мақолада педагог-психологнинг касбий компетенциясида педагогика ва психологияга доир билимларга эга бўлиши ҳамда ўқитувчи ўз устида ишлаши, иш тажрибасида таълим жараёнини самарали бошқариши ўқувчиларда ўқув мотивациясини шакллантиришда ижтимоий психологик факторлар ўрганилади.

РЕЗЮМЕ. В данной статье изучаются социально-психологические факторы формирования учебной мотивации у учащихся профессиональной компетентности педагога-психолога, обладающего знаниями в области педагогики и психологии, а также работа учителя над собой, эффективное управление учебным процессом в школе, опыт работы.

SUMMARY. This article studies the socio-psychological factors in the formation of educational motivation in students, the professional competence of a teacher-psychologist with knowledge in the field of pedagogy and psychology, as well as the work of a teacher on himself, the effective management of the educational process at school experience.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Р.Х.Душанов – психология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Таянч сўзлар: “психологик хизмат” концепцияси, психология соҳасида кадрларни тайёрлаш, кадриятлар тизими ва йўналганлик, мотивацион соҳалар, хизмат жараёнидаги стрессоген омиллар, психометрик тест ва сўровномалар, психологик муҳофаза.

Ключевые слова: понятие «психологическая служба», подготовка кадров в области психологии, система ценностей и направленность, мотивационные направления, стрессоры в процессе службы, психометрические тесты и опросники, психологическая защита.

Key words: the concept of "Psychological Service", training in the field of psychology, system of values and orientation, motivational directions, stressors in the process of service, psychometric tests and questionnaires, psychological protection.

Инсон психологиясини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор бериш масаласи барча замонлар ва давлатларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг етакчи вазифаларидан бири бўлиб келган.

XXI асрда психология фани ва унинг илгор вакиллари ўзларининг оламшумул илмий мақсадлари – инсонга, айни пайтда, жамиятга психологик хизмат кўрсатиш тизимининг мукаммаллигини илмий ва амалий жиҳатдан асослаб беришга муваффақ бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлагандек, «Олдимигда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифалар турибди» [1:45].

Чунки, бугунги кунда, психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш – ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб, одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш керак [2:12-122].

Умуман, психологик хизмат кўрсатиш муаммоси муайян маънода, илмий психологиянинг етакчи йўналишларидан бири сифатида кўп бор мунозаралар манбаи бўлган. Бу ҳақда қадимги ва дастлабки психологик тасаввурлар макони бўлмиш Ҳиндистон, Хитой, Миср, Вавилон, Ўрта Осиё, Греция, шунингдек жон (рух) ҳақидаги биринчи китобнинг муаллифи Аристотель ва темперамент (мижоз) таълимотининг

квалификациясининг намоён бўлишида ифодаланади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз талаб этаётган ҳар томонлама етук, қомил инсонни шакллантиришда ўқитувчининг ўрни бекиёсдир. Ҳар соҳада компетент ўқитувчи бўлиш учун педагогик назарияни эгаллашнинг ўзигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида умумий қонунқоидалар, умумлаштирилган услубий ғоялар баён этилади. Ўқитувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш таъкидланади. Мактаб ҳаёти, амалий педагогик жараён эса жуда хилма – хил ва турли турмандир. Унда педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарликни, юксак педагогик компетентликни ва ижодкорликни талаб этади.

асосчилари Гален, Гиппократ ва Ибн Синолардан тортиб, то ҳозирга қадар чет эл (И.В.Дубровина, Г.М.Андреева, Л.П.Грицак, А.А.Столин, Х.И.Лейметс, Ю.Л.Сизерд) ҳамда Ўзбекистон психологлари (М.Г.Давлатшин, Э.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Қодиров, Р.Ғайнутдинов, В.М.Каримов, Ш.Р.Баратов, З.Т.Нишонов, Н.А.Соғинов ва бошқ.) ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар ва билдириб келмоқдалар.

Тарих ва ижтимоий ҳаёт тамойиллари шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва унда юксак даражадаги ҳаёт, турмуш тарзининг қарор топтирилиши, аввало, ҳар бир фаолият кўрсатувчи шахсдаги ўзига хос психологик салоҳиятнинг нечоғлик тўла-тўқис намоён этилаётганлиги билан белгиланади. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг порлоқ келажагини одамлардаги ижодий, интеллектуал ва маънавий тараққиёт йўлида хизмат қилувчи давлат механизми тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боисдан бўлса керак, ҳозирги кунда барча ривожланган ва ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар биринчи галда ўз фуқароларининг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва руҳий баркамоллигига ҳамда ундан ижтимоий манфаатлар учун самарали фойдаланиш йўллари излашга жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3216-сонли қарорига асосан ички ишлар органлари тизмида “Инспектор - психолог” лавозими жорий қилиниб, ИИБ Академиясида алоҳида “Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш” мутахассислик йўналиши ташкил этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли Қарорига асосан “Ўзбекистон Республикасида психологик хизмат кўрсатишнинг янада такомиллаштириш” бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, узлуксиз таълим тизимини психологик хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган “Психологик хизмат” концепцияси яратилди ва бугунги кунда шу асосда, “Психологик хизматнинг психодиагностик фаолиятини таъминлаш” бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ички ишлар органлари тизимида, касб танлашга ўз истагини билдирган фуқаролардан ташкилот ёки идора қуйган вазифаларни бажара оладиган хислатларга эга бўлганларни аниқ психометрик тест ва сўровномалар, аппаратли услублар асосида ўрганиб, номзоднинг кадриятлар тизими ва йўналишини, мотивацияси ҳамда истаklarини аниқлашга қаратилган ишлар йўлга қўйилди [3]. Мазкур хизматнинг асосий вазифаси:

- хизмат фаолияти давомида ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий муҳитни ва криминоген вазиятни психологик жиҳатдан таҳлил қилиш;

- ходим шахсида топширилган вазифага маъсулият билан ёндошиш, танланган касбга ҳурмат, хизмат вазифасини қонун доирасида бажариш ҳиссини шакллантириш;

- ходимлар билан касбий тайёргарлик тизимида тезкор ва хизмат вазифаларини бажаришда ахлоқийлик, маънан қомиллик, руҳий чидамлик каби сифатларни ривожлантириш бўйича психологик мавзулар суҳбатлар, семинар-тренинг машғулотларини ўтказиш;

- ходимларнинг касбий ишчанлик қобилиятини ўрганиш, зўриқиш ва дезадаптация ҳолатига тушган ходимларни аниқлаш, келгусида малакали психотерапевтик ёрдам кўрсатиш;

- маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни психологик таҳлил қилиш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзолари билан яқка тартибда психологик суҳбатлар ўтказиш, уларнинг шахсий, оилавий қийинчилик ва муаммоларини ҳал қилишга ёрдам бериш;

- ходимларнинг турмуш тарзи, оилавий аҳоли, муомала маданияти, хизмат бурчига, қонунбузарликка, таъмагирлик ва бошқа турдаги жиноятларни содир этишга мойил шахслар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш, улар билан психокоррекцион тренинглар ташкил этиш;

- ички ишлар органлари ходимларига тезкор ва бошқа турдаги хизматнинг психологик жиҳатлари бўйича маслаҳатлар бериш;

- ходимлар ўртасида хизмат интизими ва қонунчиликни бузиш, ўз жонига қасд қилиш (суицид) ҳолатлари, хизмат фаолияти давомида юзага келадиган турли қийинчиликлар ва йўл қўйилмайдиган интизом бузилиш сабабларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу борада раҳбариятга тақлифлар киритиш;

- ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил (вояга етмаган ва ёшлар, такрорий равишда ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир этишга мойил) шахслар билан психологик, тарбиявий-профилактик ва

психокоррекцион ишларини амалга ошириш кабилар қиради.

Шу маънода, ички ишлар органлари тизимида психологик хизмат соҳаси амалий аҳамият касб этиб, индивидуал-шахсий, ижтимоий, касбий, техник каби омилларнинг таъсири асосида долзарблашиб бормоқда. Бу ўз навбатида, касб танлашга ўз истагини билдирган фуқаролардан ташкилот ёки идора қуйган вазифаларни бажара оладиган хислатларга эга бўлганларни турли психодиагностик усуллар орқали аниқлашга қаратилгандир [4:26].

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг ҳозирги шароитида улар бажарадиган ишнинг муваффақияти, ходимлар биргаликда бажарадиган меҳнатнинг самарадорлиги, жамоадаги психологик муҳит кўп даражада ўз ҳаракатларини бошқара олиш, ҳис-туйғуларини жиловлай олиш, кайфиятини назорат қила олиш, вазиятнинг ва атрофдагиларнинг талаблари билан ҳисоблашиш қобилиятига боғлиқ.

Ички ишлар органларининг ходимларига ҳар куни турли стресс ҳусусиятига эга бўлган психологик омиллар таъсир этади. Бу эса ўз навбатида, чарчаш, ҳолдан тойиш, турли салбий ҳиссий ҳолатларнинг юзага келиши, касбий хизмат фаолиятидаги камчиликларга олиб келади.

Рухий ва жисмоний зўриқишлар ҳаддан ташқари катта бўлганда, ходимнинг ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиши ва бошқариши сусаяди. Оқибатда асабийлашиш, тажанглик ҳолатлари юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятларнинг такрорланиши кўпинча узлишларга, ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессия ҳолатлари сари етаклайди. Масалан, ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, тезкор-қидирув бўлиmlари ходимларининг 30% уйғусининг бузилишидан шикоят қиладилар, 70% дан кўпроғи невротик ҳолат кўринишларининг бир неча аломатлари борлигини таъкидлаганлар. Бундай аломатлар иш кунининг охирига борганда ходимларда чарчаш (40%), диққатнинг пасайиши (30%), тажанглик (15%), бош оғриғи ва айланиши (10%), уйқусизлик ва дармонсизлик (5%) [5:146] каби омилларда намоён бўлган.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари тизимида касбий фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ходимларда фаол ишчанлик ҳамда ижобий ҳиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсули ҳам, ходим шахсининг ўз фаолиятидан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Психологик хизмат эса, бизнингча, худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиш жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Чунки, ходим шахси фаолиятига индивидуал ёндашув йўналиши билан боғлиқ психологик хизматнинг маълум методологик тамойилларини илмий-тадқиқий жиҳатдан қараганда, “Асаб тизими нисбатан кучсиз бўлган шахсларда кўпинча бир хилдаги ишнинг бажарилишида муайян афзалликлар борлиги аниқланган, яъни уларнинг юқори сезгирлиги, тез таъсирланувчанлиги муваф-фақиятни, иш самарадорлигини таъминлайди, лекин у ёки бу фаолият жараёнидаги фавқулодда ва кучли кўзгалувчилар асосида намоён бўлувчи ностандарт вазиятларда эса кучсиз типдаги шахслар айнан ўзларининг физиологик ҳусусиятларига кўра берилган топшириқни уддалай олмай қолишлари мумкин” [6:350].

Шу маънода, ҳар бир шахсга психологик хизмат давомида ўз имкониятлари ва фаолият талаби уйғунлигини таъминлаш йўллари излаш асосида

ёндашилса, мазкур шахс фаолиятидаги индивидуал услубнинг таркиб топиши тобора ривожланиб, такомиллашиб боради. Бу эса, ўз навбатида, шахс ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётига ижобий таъсир этмай қолмайди.

Демак, ички ишлар органлари тизимида фаолият кўрсатаётган инструктор-психолог ҳар бир шахс фаолияти ҳамкорлигини ташкил этиш жараёнида ушбу имкониятларни ҳисобга олиши орқали ижтимоий-психологик ютуқларга эришиши мумкин.

Психологик хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этувчи индивид, шахс ва субъект ривожининг тадқиқотида қуйидаги ҳолатларга жиддий эътибор бериш зарур:

- инсон ривожланишининг детерминатори ҳисобланган асосий омиллар ва шарт-шароитлар (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, педагогик ва яшаш муҳити омиллари);

- инсоннинг ўзига тааллуқли, асосий тафсилотлар, унинг ички қонуниятлари, механизмлари, эътиқод босқичлари барқарорлашуви;

- инсон яхлит тузилишининг асосий таркиблари, уларнинг ўзаро алоқалари, шахснинг ташқи таъсирларга жавоби ва муносабати, тараққиёт жараёнида уларнинг такомиллашуви.

Дарҳақиқат, ҳар бир инсоннинг ўз индивидуал оламида содир этилаётган барча маънавий ва руҳий кечинмаларини у яшаб турган жамият истикболларига мос тарзда тадқиқ қилмай туриб, шахс ва фаолият, шахс ва жамият, шахс ва индивидуаллик ўртасидаги ижтимоий мутаносибликни таъминлаб бўлмайди. Зеро, психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилинаётган ижтимоий психологик ҳимоя фалсафаси ҳам шуни таъкидлаётган.

Психологик хизмат кўрсатишда, унинг объекти ва субъекти ҳисобланган шахсга муносабат тизими асосида комплекс ёндашув истикболларини кўрсатиб берувчи тадқиқотларга ҳам алоҳида тўхталишга тўғри келади. Чунки шахснинг психологик хизмат жараёнида намоён бўлувчи ва ривожлантириб борилиши муқаррар бўлган ўз-ўзига, ўзгаларга (шахслараро) ва фаолиятга нисбатан таркиб топаётган муносабатларнинг

ижтимоий савиясини ўрганмай, таҳлил қилмай туриб, унинг ўз-ўзидаги ноҳуш ҳислардан, ўзгалар билан ҳамкорлик ўрнатиши билан боғлиқ зиддиятли вазиятлардан, фаолиятдаги мувоффақиятсизликлардан психологик муҳофаза қилишга қаратилган тадбирлар қўламини белгилаб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ички ишлар органлари тизимида психологик хизмат фаолиятини талқин қилинганда қуйидаги амалий-тадқиқий йўналишларга бугунги куннинг энг долзарб муаммолари сифатида қарашни таъкидлаш мумкин. Яъни:

1. Психологик хизмат ҳар бир ходим шахсининг ўз фаолиятдан ижтимоий ва ҳиссий қониқиш жараёнини тадқиқ қилишга қаратилган усуллар ва услублар мажмуасига асосланиши лозим;

2. Психологик хизмат ходим шахсининг фаолият жараёнидаги ўз-ўзига, ўзгаларга ва фаолиятга бўлган муносабатларидаги иерархик тизим динамикасини тадқиқ қилиши ва шу тизим асосида ижтимоий психологик муҳитнинг яратилишига замин ҳозирлай олиши билан боғлиқ изланишлар қўламини ўз ичига олиши зарур.

3. Психологик хизмат жараёни билан боғлиқ ижтимоий муҳим кўрсаткич-ларнинг таҳлили ҳар бир ходим шахси фаолияти учун характерли бўлган индивидуал фарқланиш, индивидуал услуб ва ижтимоий ўрнатилган қарор топтирилишини ўрганиш асосида амалга оширилиши муҳим.

4. Ички ишлар органлари тизимида психологик хизмат жараёнини ижтимоий психологик муҳофаза воситаси сифатида тадқиқ қилиш муаммоси бугунги кунда ижтимоий психологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади ва бу муаммони бартараф этишда маълум психологик принципларга таяниш талаб қилинади.

Қайд этилган ушбу йўналишлар мақоланинг бош ғоясини, вазифаларини, эмпирик маълумотлар қўламини билан боғлиқ ички ишлар оргалари тизимида психологик хизматнинг бугунги ҳолати ва ўзига хос истикболларига баҳо беришда маълум назарий ҳамда методологик манба сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2017. 45-б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т. 14. – Т.: «Ўзбекистон», 2006. 121–122-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 472-сонли Қарори.
4. Скалин Ю.Е. Профессиональный психологический отбор оперативных сотрудников уголовного розыска. // Автореф... дис. к... психол...н. – Санкт-петербург: 2010. –С.26.
5. Душанов Р.Х. Ички ишлар органлари тезкор-кидирув фаолияти субъектларининг психологик жиҳатлари. Монография. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси босмахонаси, 2022. 140-б.
6. Душанов Р.Х., Фарфиев Ё.А. Касбий психология. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси босмахонаси, 2014. – 350 б.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада ички ишлар органлари тизимида психологик хизмат фаолиятининг муаммо ва ечимлари, уни такомиллаштиришнинг ижтимоий психологик омиллари борасидаги фикр-мулоҳазалар билдирилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье представлены проблемы и решения психологической службы в системе органов внутренних дел, а также социально-психологические факторы их совершенствования.

SUMMARY. This article presents the problems and solutions of the psychological service in the system of internal affairs bodies, as well as the socio-psychological factors for their improvement.